

ЮРТ РАҲНАМОСИ

Эзгулик эшигин элим деб очган,
Поклик булоғини дилим деб очган,
Хуш ният нуруни йўлига сочган,
Шу боис ёр эрур элин дуоси,
Юрт учун туғилган юрт Раҳнамоси!

Буюк аждодларин номин ёд этган,
Мангу маконларин гул, обод этган,
Дуолар дурида руҳин шод этган,
Азалдан яхшилик умрин сафоси,
Юрт учун туғилган юрт Раҳнамоси!

Элнинг ризолиги – олий тилаги,
Миллатим деб урар ҳар дам юраги,
Султонга саодат – Ҳақнинг кўмаги,
Кўрсатган меҳридор – кўрган вафоси,
Юрт учун туғилган юрт Раҳнамоси!

Халқин ёшларига елкасин тутган,
Ҳар бир ўғил-қизин камолин кутган,
Ватан тинчин ўйлаб ўзин унутган,
Шундай яралгайдир миллат даҳоси,
Юрт учун туғилган юрт Раҳнамоси!

Инсон қадрин асраш буюк мақсади,
Миллат маърифати – суюк мақсади,
Тилу дил бирлиги муҳим матраби,
Бирлашган эл-юртда тинчлик атоси,
Юрт учун туғилган юрт Раҳнамоси!

Худойим паноҳин бошида тутсин,
Саксон, тўқсон ҳам юз ёшида тутсин,
Ризқини барака ошида тутсин,
Аллоҳнинг назари умрин зиёси,
Юрт учун туғилган юрт Раҳнамоси!

Маҳмуд ТОИР,
Ўзбекистон халқ шоири

БОРЛИҒИМНИ ХАЛҚИМГА БАҒИШЛАГАНМАН

Президент сифатида мен мамлакатимиз
тинчлиги, эл-юрт фаровонлиги, Ватан
тараққиёти йўлида бутун борлиғимни
бағишлаб, халқимга садоқат билан хизмат
қилишни ҳаётимнинг маъно-мазмуни деб
биламан. Мен учун бундан бошқа олий
мақсад, бахт-саодат йўқ.

Шавкат МИРЗИЁЕВ

ПРЕЗИДЕНТ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВНИНГ ХАЛҚЧИЛ ИСЛОҲОТЛАРИ САМАРАЛАРИ

1 «Инсон қадри учун» тамойили жорий этилди. Мажбурий меҳнат, хусусан, болалар меҳнатига барҳам берилди.

2 Валюта бозори эркинлаштирилди, нақд пул билан боғлиқ муаммолар бартараф этилди.

3 Камбағаллик расмий даражада тан олинди. Камбағалликни қисқартириш борасида жиддий ва мажмуавий ислохотлар ўтказилди. «Аёллар дафтари», «Темир дафтар», «Ёшлар дафтари» каби ҳаётбахш ҳужжатлар жорий этилиб, ўтган давр мобайнида миллионлаб оилаларга кўмак кўрсатилди.

4 Прописка тизими тубдан такомиллаштирилди. Эндиликда Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида доимий яшаш ҳуқуқига эга шахсларнинг тоифалари ҳақидаги қонун ўз кучини йўқотди.

5 Ўзбекистонда тўғридан-тўғри 15 йил давомида доимий яшаб келаётган фуқаролиги бўлмаган шахсларни фуқароликка қабул қилиш тартиби жорий этилди.

6 Марказий Осиё давлатлари билан чегара ва божхона масалалари соддалаштирилди. Чегаралар очилди. Яхши кўшничилик аъаналари тикланди. Назорат пунктларида ўтиш-қайтиш тартиботи енгиллаштирилди.

7 Олий таълим муассасалари сони ҳамда талабаларнинг қабул квоталари бир неча ўн бараварга ортиди. Тизимдаги коррупциявий ҳолатлар батамом тугатилди.

8 Аҳоли мурожаатлари билан ишлаш ва давлат органларининг очиқлиги бўйича янги тизим жорий этилди.

9 ОАВнинг жамиятдаги ўрни ва мавқеи ошди. Жамиятда сўз эркинлиги юзага келди.

10 «Обод қишлоқ» ва «Обод маҳалла» дастурлари доирасида минглаб қишлоқ, маҳалла ва овуллар қиёфаси тубдан ўзгарди.

11 «Электрон поликлиника» ва «Электрон шифохона» ахборот тизимлари амалиётга жорий этилди.

12 Солиқ сиёсати такомиллаштирилиши натижасида юртимизда ишбилармонлик муҳити ўсиб, аҳолининг реал даромади ошди.

13 Жамоат транспорти хизматини ривожлантириш ва шу тариқа аҳолига қулайлик яратиш мақсадида Тошкентда ерусти ва ерости метроси қурилиб, фойдаланишга топширилди.

Ўзбек тилининг давлат тили сифатидаги нуфузи ва мавқеини тубдан ошириш борасида муҳим қадамлар қўйилди. 21 октябрь санаси юртимизда «Ўзбек тили байрами кuni» деб белгиланди. Президент Шавкат Мирзиёев БМТ олий минбаридаги чиқишида мустақил Ўзбекистон тарихида илк бор давлат тили – ўзбек тилида нутқ сўзлади.

Аҳоли «Ташаббусли бюджет» лойиҳасида фаол қатнашиб, маҳаллалар ҳамда ижтимоий объектларни молиялаштиришни мустақил ҳал этмоқда.

Ўзбекистон Республикасининг янги тахрирдаги Конституцияси қабул қилинди.

Миллий давлатчилигимиз тарихи, халқимизнинг бугунги интилишлари ва Учинчи Ренессанс мақсадларини ўзида мужассам этган Янги Ўзбекистон боғи барпо этилди.

Тадбиркорлик кенг қўллаб-қувватланмоқда. Одамларда ишбилармонликка бўлган ишонч ортиди.

Оммавий ва профессионал спортга эътибор кучайди. Натижада «Беш ташаббус олимпиадаси» оммавий спорт мусобақаларига асос солинди. Қолаверса, футбол бўйича U-23 терма жамоаси илк бор олимпия ўйинларида иштирок этди, миллий терма жамоамиз эса жаҳон чемпионати йўланмасини қўлга киритди.

Суд-ҳуқуқ тизими тубдан ислох қилинди. Минглаб одамлар «қора рўйхат»дан чиқарилди. Мустабид тузум даврида ноҳақ айбланган, мол-мулки мусодара этилиб, ўзлари қувғину қатағонга дучор этилган аждодларимиз номи оқланди.

«Ўзбошимчилик билан эгаллаб олинган ер участкаларига ҳамда уларда қурилган бинолар ва иншоотларга бўлган ҳуқуқларни эътироф этиш тўғрисида» қонун қабул қилинди. Ушбу ҳужжатга кўра, 3 миллион 500 тадан ортиқ хонадонга эгалик ҳуқуқи бериш режалаштирилган.

Давлат хизматлари тизимининг ривожлантирилиши, Давлат хизматлари марказларининг ишга туширилиши натижасида ортиқча бюрократияга барҳам берилди.

Инсонлар ҳаётига диний эркинлик кириб келди. Ҳаж квотаси оширилди. Умра зиёратини амалга ошириш учун муносиб шарт-шароитлар яратилди.

Туризмни ривожлантириш давлат сиёсатининг асосий вазифасига айланди. Нафақат юртимизга келувчи меҳмонлар кўпайди, балки ўзбекистонликларнинг хорижга сафари бир неча бараварга ошди, одамлар дунё кўрмоқда.

«КАСАБА УЮШМАСИНИ ЯХШИ КЎРИБ ҚОЛДИМ»

Бир тадбирда Дилбар Сиддиқова минбарга чиқиб, ўз иш фаолияти ҳақида сўзлар экан, «Касаба уюшмаси ишчи-ходимларни ўйлайдиган, уларга қайишадиган соҳа. Шу иш билан шуғулланиб, ҳамкасбларимнинг қувончига шерик, мамнуниятига гувоҳ бўляпман. Охирги йилларда ишхонамизда бир пайтлар тарқоқ бўлган ходимлар бирлашди, аҳиллашди. Бу ўзгаришларда, озми-кўпми, менинг ҳам ҳиссам борлигини ҳис этиб, касаба уюшмасини яхши кўриб қолдим», деди.

Ўша пайт менда Д.Сиддиқованинг касаба уюшмаси раиси сифатидаги фаолияти билан яқиндан танишиш истаги уйғонди. Чунки тизимда у каби ўз ишини севиб бажарадиган кишилар кўпайса, ишчи-ходимларнинг ҳуқуқ ва манфаатлари яхши ҳимоя қилинади. Қонун бузилиш ҳолатлари камаяди. Энг муҳими, ишхонасидаги қўлай ва муносиб шароит туфайли ходимларнинг ишга муносабати ўзгариб, масъулияти ошади.

ЖАҲОН ТАЛАБИГА МОСЛАШИШ ЗАРУР

— Озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги соҳасида стратегик ривожланиш ва тадқиқотлар халқаро марказида ишга келганимга икки йилдан ошди, — дейди у биз билан суҳбатда. — Қаерда ишласам, мени касаба уюшмаси етакчиси қилиб сайлашади. Бу ерда ҳам шундай бўлди. Жамоатчилик билан алоқалар бўйича мутахассис лавозимида иш бошлаганимдан бироз вақт ўтиб, ходимлар билан мулоқотга киришувчан экансиз, деб касабақўмликка номзодимни қўйишди. Кейин сайлашди. Раҳбаримиз «Сиз шундай қилишингиз керакки, жамоа бир-бири билан жуда аҳил бўлсин», деган талаб қўйди. Айнан шу асосда ишга киришдим.

Қаҳрамонимиз ишлаётган марказ мамлакатимизнинг қишлоқ хўжалиги соҳасида халқаро ташиқлотларнинг имтиёзли кредит ва грант маблағларини тақсимлайди. Бугунги кунга қадар Халқаро тикланиш ва тараққиёт банки, Осиё тараққиёт банки, Япония халқаро ҳамкорлик агентлиги, Қишлоқ хўжалигини ривожлантириш халқаро жамғармаси, Халқаро тараққиёт уюшмаси билан ҳамкорликда 7 та

лойиҳа учун жами 2 млрд. АҚШ долларлари миқдорида имтиёзли кредит маблағлари ажратилган. Шундан ўзлаштирилган маблағ 1 млрд. 400 млн. долларни ташкил этади. Бу маблағлар ҳисобида 7574 та суб-лойиҳа молиялаштирилди. Масалан, Ўсимликлар генетики ресурслари ИТИ моддий-техника базасини мустаҳкамлаш мақсадида 399 минг АҚШ долларлари эвазига юқори унумли трактор, экскаватор, комбайн, лазерли ер текислагич етказиб берилди.

Натижада институт моддий барқарорлигини таъминлаш ва илмий-тадқиқотларни молиялаштириш учун ишлаб чиқариш жараёнида меҳнат унумдорлиги 50-60 фоизга ошмоқда, агротехник тадбирлар ўз вақтида сифатли бажарилиб, институт балансидаги ерларнинг гектаридан 5-10 млн. сўмдан қўшимча даромад олишга эришилмоқда. Ёнилғи-мойлаш маҳсулотлари ва эҳтиёт қисмлар учун харажатлар 35-50 фоизгача камаймоқда.

Шоличилик илмий-тадқиқот институти учун 424,7 минг АҚШ долларлари 26 турдаги лаборатория жиҳозлари етказиб берилиб, улардан фойдаланиш бўйича тренинглар ўтказилди. Бу жиҳозлардан институт илмий ходимлари ҳосилдорлиқни оширишга қаратилган амалий тадқиқотлар ўтказиш мақсадида фойдаланишмоқда.

Сабзавот, полиз ва картошкачилик соҳасида селекцион уруғчилик йўналишида 2,7 гектар майдонда Ўзбекистондаги энг йирик иссиқхона қурилиши режалаштирилган. Унда сабзавот экинлари селекцияси учун хориждан олиб келинган 14 та экин турининг 125 та нави намуналари ўрганилиб, янги селекцион манбалар ажратиб олиниб, оталик ва она-донлаштириш тизимида ишлайдиган кишига бунча маблағни топиш, рўзгордан орттириш осон эмас. Қиш қаҳратони, ёз жазирамаси демай меҳнат қилишади. Ҳаммадан эрта иш бошлаб, кеч тугатишади. Энди шунча пулга қуйиб қолаверишадими?

Танишларидан Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг 1211 рақамли «Ишонч телефони»га мурожаат қилса, масала ижобий ечим топишини эшитган Сабзавот ишониб-ишонмай ўша рақамни терди.

лик формаларидан селекция ишларида қўлланилади. Шунингдек, картошканинг ин-витро усулида олинган микро туганаклари кўпайтирилиб, йилга 2,5 млн. донга вирусдан холи картошка туганаклари олинади. Томчилатиб сугориш тизимида 40-50 фоиз сув, 20-30 фоиз ёнилғи-мойлаш маҳсулотлари тежалади. Минерал ўғитлардан фойдаланиш самарадорлиги ошади.

Марказнинг амалий кўмаги билан 2019-2024 йилларда ишга туширилган лойиҳалар доирасида 58 мингдан ортиқ иш ўрни яратилди.

— Соҳа ичида юриб шуни англадимки, деҳқонларимиз айрим ҳолатларда «Ота-бобомиз шундай қилган, биз ҳам шундай қилсак, яхши бўлади», деган ҳаёлга бориб, янгиларини ўзлаштиришга қизиқиш билдиришмасди, — дейди касаба уюшмаси етакчиси. — Аслида эса бугун дунёга маҳсулотларимизни етказиш учун ота-боболаримиз тажрибасини қўллашнинг ўзи етарли бўлмайди. Қишлоқ хўжалиги ривожланиши, ундан яхши даромад топишимиз учун жаҳон талабига мослашишимиз, янги технологиялар зарур. Биргина мисол, дунё данаксиз узум ва тарвуз навларини талаб қилмоқда. Бунинг учун соҳага билими кучли кадрлар, агрономлар керак. Хар йили бир хил маҳсулот экилаверса, ер ҳам чарчайди. Биз соҳани ҳам ривожлантириш учун илмий-тадқиқот институтлари билан қўллаб

яхши лойиҳаларга қўл уряпмиз. Келгусида улар, албатта, ўз натижасини беришига ишонаман. Кейинги йилларда деҳқон-фермерларимиз ҳам илмий-тадқиқот институтлари аҳамиятини тушуниб етишяпти.

Яқин-яқингача деҳқонларимиз маҳсулотларини сақлаш имконини тополмагани учун арзон-гаровга сотишарди ёки узоқ масофадаги музлаткичли омборхоналарга қўшимча харажат эвазига қўйишарди. Бугун эса бир туманда 5 та, ҳатто, 10-15 та музлаткичли омборхоналар мавжуд. Буни қишлоқ хўжалиги соҳасининг хар томонлама ривож ва халқаро молия ташиқлотлари билан марказнинг оқилона ҳамкорлиги натижасидир, дея олам.

■ ФАОЛИЯТ

ИЖТИМОИЙ ҲИМОЯ ҲАВАС ҚИЛГУЛИК

Марказда 130 нафар ишчи-ходим меҳнат қилади. Уларнинг иш унумдорлигини ошириш, аҳилиги ва бирдамлигини таъминлаш, оила мустаҳкамлигига ҳисса қўшиш мақсадида икки ойда бир марта театр ҳафталиги ташкил этилиб, оила аъзолари билан бирга театрларга тушишлари учун чипталар тақдим этилади. Спорт мусобақаларини ўтказиш ҳам анъанага айланган. Унда ходимлар нафақат янги энергия билан бойишади, балки бирлик, ҳамжиҳатликни янаям кучлироқ ҳис этишади.

Маънавий-маърифий тадбирлар кўлами ранг-баранг. Шу йилнинг ўзида марказда таълиқ актёрлар Эркин Комилов, Муҳаммадали Абдуқундузов, жамоат фаоли Жамила Шермухаммедова меҳмон бўлиб, Ватанга муҳаббат, оиллага садоқат ва ишга масъулият мавзуларида суҳбатлар ўтказишди.

Жамоа шартномаси бандлари 100 фоиз бажариб келинмоқда. Хар йили ёзда ходимлар учун тоғ бағрига саёҳат ташкил этилади. Унда касбий маҳоратни оширишга қаратилган қизқарли машғулотлар, психологик тренинглардан ташқари кўнгилочар тадбирлар ҳам уюштирилади. Бу ишларни ташкил этаётган касаба уюшмаси ҳамда ушбу ташаббусни қўллаб-қувватлаб келаётган иш берувчининг фаолиятидан барча ходимлар мамнун.

ГАП КЕЛГАНИДА...

Дилбар Сиддиқова мазкур марказда ишлаётганига икки йилдан ошган бўлса-да, аслида унинг касабачилик тажрибаси салкам 10 йиллик. Шуни ҳисобга олиб, биз унга «Касаба уюшмалари тизимида янаям яхши фаолият олиб бориш учун нима қилиш керак?» деган савол билан мурожаат қилдик. Унинг жавоби қуйидагича бўлди:

— Аввало, ҳаммамиз қайсидир маънода ўзгаришимиз керак. Қанча тез ўзгарсак, шунча яхши. Шунчаки, қўл учиди, кўр-кўрона меҳнат қилиш билан касаба уюшмасида ҳам, бошқа соҳаларда ҳам ҳеч нарсага эришолмаймиз. Мен ҳеч бир ишни кўр-кўрона қилмаганим учунми ёки айрим тадбирларга фақатгина ходимни эмас, уларнинг оиласини қамраб олаётганимиз учунми, сўнгги йилларда жамоамизда аҳиллик кучайди. Бир-биримизни яхши тушунамиз. Ҳамкасбларимиз юзиди мамнунлик ифодасини кўрсам, фаолиятимдан қониқиш ҳиссини туяман. Таъдидий, келгусида ҳам вазирамни чин дилдан адо этиш пайида бўлам.

Зебо НАМОЗОВА
«ISHONCH»

■ 1211 ЭШИТАДИ!

АНГЛАШМОВЧИЛИК ҲАЛ ЭТИЛДИ



■ МИННАТДОРЛИК

ҒАМХЎРЛИК УЧУН РАҲМАТ!

Яқинда «Янгир» санаторийсида дам олиб келдим. Ҳамон ўша таассуротлар билан юрибман. Яратилган шароитларни айтиб адо қилолмайман. Сокин, хушманзара, баҳаво бу масканда бир бора бўлган одам яна боришни хоҳлаши табиий.

Мени ҳаммасидан ҳам хизмат кўрсатаётган ишчи-ходимлар ва малакали шифокорларнинг ширинсўзчилиги, хўшмуомалалиги лол қолдирди. Уларнинг ғамхўрлиги, доимий эътибори, хар бир беморга индивидуал ёндашуви таҳсинга лойиқ. Шинам хоналар, хилма-хил даволаш усуллари, физиотерапия, даволовчи гимнастика, сув муолажалари, мазали ва соғлом парҳез таомлари соғлигимни тиклашга катта ёрдам берди. Хар куним мазмунли ўтди. Таниқли санъаткорлар қатнашган концертлардан завқ олдим, ўша ердаги кутубхонадаги китоблар билан танишдим.

Ўзим Янгир шаҳридаги 3-мактабгача таълим муассасида ишлайман. Ё гуруҳ ногирониман. Ёнимиздаги жаҳон андазалари талабларига жавоб берадиган санаторийда дам олиш кўпчилигининг орузи. Менга ана шундай имкониятни яратиб берган касаба уюшмаларидан миннатдорман.

Шоҳсанам АКБАРОВА

Дардини тўкиб солди. Буни қаранг-ки, эртаси кунёқ мутасаддилар уларни йўқлаб келишди. Масъуллар тадбиркорга «Истеъмомчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги қонун ва қонуности ҳужжатлар талабларини тушунтирғач, сервис хизмати орқали мотороллер таъмирлаб берилди. Тадбиркор англашилмовчилик учун ёш оиладан узр сўради.

Муҳаббат
ТЎРАБОВА
«ISHONCH»



■ ҲУҚУҚ

КИЧИК ҲАМШИРАЛАРГА УСТАМА ТЎЛАНМАЙДИМИ?

Соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмаси Тошкент вилояти кенгашига Бўстонлиқ тумани тиббиёт бирлашмаси қўшма шикастланишлар ва ўткир қон томир касалликлари бўлими операцион блокнинг 10 нафар кичик ҳамшираси мурожаат йўллашди. Улар зарарли омиллар билан ишлаганликлари учун ойлик маошига 15 фоизли устама ҳақ тўланмаётганлигига эътироз билдиришган.

Ушбу мурожаат атрофлича ўрганиб чиқилди. Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йил 21 декабрдаги «Тиббиёт ходимлари меҳнатига ҳақ тўлашнинг такомиллаштирилган тизимини тасдиқлаш тўғрисида»ги қарорининг тегишли бандларида визуал назорат қилган ҳолда оператив аралашувларда рентген аппаратларидан фойдаланиладиган барча ихтисослардаги

хирургия бўлимларининг кичик тиббиёт ходимларига 15 фоиз миқдоридида қўшимча тўлов бериш ҳуқуқи белгилаб қўйилган. Лекин шундай бўлса-да, юқоридаги ходимларга зарарли омил учун қўшимча тўлов 2024 йил март ойидан буён тўланмасдан келинган.

Иш берувчига қиритилган кўрсатма хати ижроси таъминланмагач, фуқаролик ишлари бўйича Чирчиқ туманлараро

судига даъво аризаси киритилди. Судда эса 20 млн. сўмдан ортиқ маблағни ундириш ва ходимларга ойма-ой тўлаб бориш бўйича ҳал қилув қарори чиқарилди.

Жўрабек
ИСЛОМБЕКОВ,
Соғлиқни сақлаш
ходимлари касаба
уюшмасининг Тошкент
вилояти кенашши
меҳнат техник
инспектори

■ ЭЪТИБОР

Инсон меҳнатига яраша қадрланса, муносиб ҳақ олса, шахду шиддат билан олға қадам босади. Қоқилмайди, қийинчиликларни осонлик билан енгиб ўтади. Касбиди унум, топганида ба-рака бўлади. Айниқса, ўқитувчиларнинг ма-шаққатли меҳнати хар қанча рағбатга лойиқ.

МЕҲНАТГА МУНОСИБ РАҒБАТ

Президентимизнинг таълим тизимига алоҳида эътибори самараси ўлароқ бугун мамлакатимизда педагогларнинг иш ҳақлари 1000-2000 долларгача етганлигини кўриб турибмиз. Хусусан, Сурхондарё вилоятидаги умумтаълим мактабларида 11 нафар ўқитувчи 2 минг, 60 нафардан ортиқ устоз минг долларга тенг миқдорда маош олишмоқда.

Касаба уюшмалари ҳам аъзолари меҳнатига яраша маош олиши тарафдори бўлиб, уларнинг касбий, ҳуқуқий, ижтимоий-иқтисодий манфаатларини ҳимоя қилишни бош мақсад қилиб олган. Бу борада сўз юритганда таъкидлаш жоизки, Таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Сурхондарё вилоятида ўз сафига 1489 та бошланғич ташиқлотни бирлаштирган бўлиб, аъзолар сони 141,1 минг нафардан ошган. Уларнинг 92,7 минг нафарини педагог ва ишчи-ходимлар, 48,4 минг нафарини талабалар ташкил этади. Албатта, бу касаба уюшмалари ишчи-ходимларнинг чинакам қалқони бўлаётганининг ижобий самарасидир.

Мисол учун, ўтган беш йил мобайнида 15 та туман ва шаҳар кенгашларимизга 12250 та ёзма, 3150 та оғзаки мурожаат келиб тушди. Улар белгиланган муддатда ижобий ҳал қилинди. Аксарияти йўлланмалар ва моддий ёрдам ажратиш ҳамда ишга тиклаш масалаларида эканлиги қайд этилди.

Бугунги кунда барча бошланғич касаба уюшмаларида жамоа шартномалари татбиқ этилган. Уларнинг ижросини таъминлашда ижобий натижаларга эришилди. Хар бир ходимга сарфланган маблағ миқдори ўтган беш йил давомида 3-5 бараварга ошди. Яъни 986 минг сўмдан 4 млн. 147 минг сўмга етди.

Касаба уюшмаси маблағлари ҳисобидан меҳнаткашлар ва уларнинг оила аъзоларидан 6,8 минг нафарига Самарқанд, Бухоро, Хива каби шаҳарлар, 15 минг нафари учун воҳодаги қадимий обидлар ҳамда диққатга сазовор жойларга жамоавий саёҳатлар ташкил этилди. Хар йили соҳа ходимларининг минглаб фарзандлари ёзги оромгоҳларда мароқли дам олишмоқда. Асосийси, бу хайрли ишлар йил сайин кенг қулоч ёймоқда.

Бахтиёр
ХОЛИЯРОВ,
Таълим ва фан
ходимлари касаба
уюшмаси Республика
кенашининг
Сурхондарё вилояти
бўйича масъул
ташиқлотчиси

ИШОНЧ ДОКТРИНАСИ

Янги Ўзбекистон ташқи сиёсати ҳақида ўйлар

делини яратди. Масалан, 2025 йил 31 март куни Хўжанд шаҳрида имзоланган Қирғизистон, Тожикистон ва Ўзбекистон ўртасида уч давлат чегараларининг туташ нуқтаси тўғрисидаги шартнома айнан давлатимиз раҳбарининг сайёҳаракатлари билан имзоланди. Шунингдек, Марказий Осиё давлатлари раҳбарларининг ўтган йили август ойида бўлиб ўтган IV Маслаҳат учрашуви якунида «Марказий Осиё – 2040» минтақавий ҳамкорликини ривожлантириш концепцияси қабул қилинди. Марказий Осиё давлатлари раҳбарларининг қўшма баёнотида 2025–2027 йилларга мўлжалланган минтақавий ҳамкорликини ривожлантириш йўл харитаси; 2025–2027 йилларга мўлжалланган Марказий Осиё давлатларининг sanoat кооперациясини ривожлантириш бўйича ҳаракатлар режаси ҳам тасдиқланди.

2023–2025 йиллар мобайнида Ўзбекистон тарихий аҳамиятга эга қелишув ва саммитлар ташаббускори ҳамда майдони сифатида Марказий Осиёнинг сиёсий манзарасини тубдан ўзгартирди. Хўжанд декларацияси – қўшни давлатлар ўртасида абадий дўстлик тўғрисидаги қелишувнинг имзоланишидан тортиб, Самарқандда бўлиб ўтган Европа Иттифоқи – Марказий Осиё биринчи саммити ҳамда Тошкентда бўлиб ўтган Парламентлараро Иттифоқнинг 150-юбилей Ассамблеясида бўлган воқеалар мамлакатимизнинг Шарқ ва Ғарб ўртасидаги конструктив воситачи сифатидаги нуфузи тобора ошиб бораётганини яққол намоён этди.

Жаҳон ҳамжамияти Ўзбекистоннинг яхши қўшничиликини мустақамлаш, минтақавий барқарорлик ва глобал мулоқотни илгари суришдаги сайёҳаракатларини тобора кўпроқ эътироф этмоқда.

АФҒОНИСТОН: КЕСКИНЛИК ЭМАС, ДИПЛОМАТИЯ

Дунёнинг кўплаб давлатлари Афғонистонни бойкот қилган бир пайтда, Ўзбекистон мулоқот йўлини танлади. Сабаб аниқ: Марказий Осиё минтақасидаги барқарорлиқни Афғонистонсиёз таъминлаб бўлмади.

Мамлакатимиз 2018 йилдан бери афғон делегациялари билан 20 дан ошқ учрашув ўтказди. Давлатимиз раҳбари Туркий давлатлар ташкилотининг Шушу шаҳридаги саммитида Афғонистон муаммоси ҳақида тўхталиб, уни кўшимининг «муҳим масалаларидан бири» эканини алоҳида таъкидлади.

«Минг афсусли, жаҳоннинг бошқа минтақаларида уруш ва можаролар кучайиб бораётганини оқибатида ён қўшимиз бўлган ва кўп миллионли туркий халқлар истиқомат қилаётган Афғонистондаги вазият халқаро ҳамжамият эътиборидан четда қолиб кетмоқда», деди Президентимиз.

Давлатимиз раҳбари, шунингдек, Ўзбекистоннинг афғон халқига зарур ёрдам кўрсатишни бундан буён ҳам давом эттиришини билдирди. Зеро, биз атрофимиздаги давлатларда рўй бераётган воқеаларга берафқ бўла олмаймиз. Чунки Афғонистон минтақавий тақдиримизнинг бир бўлагидир. Шу боис ҳам Марказий Осиё, хусусан, Афғонистондаги барқарорлик бутун минтақанинг тараққиётида энг муҳим аҳамиятга эга бўлган масалалардан бири ҳисобланади.

Ўзбекистон ҳозирги кунда Афғонистон билан логистика, энергетика, таълим каби кўплаб соҳаларда ҳамкорлик қилиб келмоқда. Хусусан, шу йилнинг 17 июль куни Кобул шаҳрида бўлиб ўтган Ўзбекистон, Афғонистон ва Покистон ташқи ишлар вазирларининг биринчи уч томонлама учрашувида Ўзбекистон – Афғонистон – Покистон Транс-Афғон темир йўлининг техник-иқтисодий асосини ишлаб чиқиш бўйича уч томонлама ҳадли битим имзоланди.

БЛОКЛРСИЗ КЎП ЙЎНАЛИШЛИ СИЁСАТ

Ўзбекистон Хитой, АҚШ, Россия, Европа Иттифоқи, Туркия ва Форс кўрфазиди давлатлари билан фаол ҳамкорлик қилиб келмоқда. Аммо ҳеч қандай ҳарбий блокларга аъзо бўлмаган. Бу бетаарафлик эмас, балки стратегик автономиядир. Давлатимиз раҳбари учун дунё мамлакатлари билан яқин ҳамкорлик, ўзаро дўстлик муносабатлари кескинлик, тарафқашликдан-да муҳимроқ. Чунки зиддиятлар мамлакатлар учун ҳеч қандай сиёсий дивиденд келтирмайди. Аксинча, давлат-

лар муроса ва ўзаро ҳурмат асосидагина барқарор ривожланишга эришиши мумкин. Бу икки қарра landlocked мақомига эга Ўзбекистон учун ўта муҳим сиёсий доктрина асосларидан биридир. Қолаверса, Ўзбекистон яқин келажакда транспорт ва логистика марказига айланишини мақсад қилган. Ўзбекистон учун стратегик аҳамиятга эга бўлган транспорт йўлакларини мамлакатимизни денгиз портлари билан боғлайдиган ҳамда Европа, Хитой, Россия, Эрон каби асосий иқтисодий ҳамкорлар билан ўзвий алоқани таъминлай оладиган йўналишлардир. Энг муҳим йўлаклар қаторига ТРАСЕКА (Европа – Кавказ – Осиё) йўлаги, Эрон орқали Форс кўрфазига чикувчи йўлак, Қозғистон ва Россия ҳудудлари орқали Болтиқ ва Қора денгиз портларига олиб борадиган йўналишлар, Хитой ҳамда Жанубий Осиё мамлакатлари билан боғловчи логистика тармоқлари каби кўплаб йўналишлар кирди.

Ушбу коридорлар Ўзбекистоннинг ташқи савдо алоқаларини кенгайтириш, транзит салоҳиятини ошириш ва глобал таъминот заنجирларига интеграциялашувида муҳим ўрин тутаяди.

ГЛОБАЛ ИНСТИТУТЛАР БИЛАН ҲАМКОРЛИК

Ўзбекистон ҳозирда ЖСТга аъзо бўлиш борасида музокаралар олиб бормоқда. БМТ, ЕХҲТ, ЕИДан ташқари, GSP+, ШҲТ, ИҲТ, МДХ, Туркий давлатлар ташкилоти билан яқин ҳамкорлиқни йўлга қўйган. Бу эса мамлакатимизнинг халқаро стандартларга, технология ва бозорларга етишишининг энг мақбул воситасидир. Шунингдек, жаҳонга очиклик мамлакатимиздаги ички ўзгаришларга ҳам туртки бермоқда. Инвестициялар оқими-нинг ошishi, рейтингларнинг ўсиши ва иқтисодиётдаги модернизация дунё ҳамжамиятининг мамлакатимизга бўлган ишончини натижаландирди.

2024 йилда 9 та халқаро рейтингда Ўзбекистоннинг ўрни яхшиланди. Жумладан, Электрон ҳукуматни ривожлантириш рейтингинда Ўзбекистон 2024 йилда аввалги ҳисобот даврига нисбатан 6 поғонага кўтарилиб, 193 давлат орасида 63-ўринни эгаллади. Электрон ҳукумат соҳасида ривожланиш бўйича «юқори» гуруҳдан «жуда юқори» гуруҳга кўтарилган 17 давлат қаторидан жой олди.

Жаҳон банкининг 2023 йил учун эълон қилинган Статистика фаолияти самарадорлиги индексида республикамиз ўз кўрсаткичларини 17 поғонага яхшилаб, 217 давлат орасида 62-ўринга кўтарилди.

Жаҳон банкининг Аёллар, бизнес ва қонун индексида мамлакатимиз 48 поғонага юқорилаб, 190 давлат орасида 91-ўринни эгаллади.

Ўзбекистон аёллар ҳуқуқлари ва гендер тенглик соҳасида энг катта натижаларга эришган муҳим ислохотларни амалга оширган 5 мамлакатдан бири сифатида қайд этилди. Буларнинг барчаси давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёевнинг дунёқараши, қатъияти, иродаси ва Ўзбекистонни дунёнинг етакчи мамлакатлари қаторида қўриш ораси босқичма-босқич амалга ошаётганидан далолат беради.

Ўзбекистон ташқи сиёсати фақат баёнотлар, шартномалар ёки қозғода акс этаётган расмий воқелик эмас. Бу – Янги Ўзбекистон давлат концепциясининг юраги, сиёсий ироданинг амалдаги ифодаси, халқ хоҳиши ва геосиёсий эҳтиёжлар ҳосиласидир. Мамлакатимиз энди тақлид эмас, тақдик қилаётган давлат. У ўз йўлини – ҳақиқий мустақил субъект сифатидаги ўрнини излаётти. Ўз манфатларини чуқур англаб, уларни халқаро майдонда соф виждон ва соғлом даъво билан ҳимоя қилмоқда.

Президент Шавкат Мирзиёев ташқи сиёсатда «ўзаро ишонч» тушунчасини стратегик ресурс даражасига кўтарди. Бу тамойил дипломатик услуб билан бир қаторда янги мувозанатлар, янги интеграциялар ва янги минтақавий ҳақиқатларни шакллантирмоқда. Энди Ўзбекистон чекка ҳудуд эмас – марказ, томошабин эмас – иштирокчи, объект эмас – субъект. Шу ўринда ташқи сиёсат ҳам йўналиш-гина эмас, йўлнинг ўзидир. Унинг барқарорлиги, қатъияти ва интеллектуал асоси Ўзбекистоннинг келажакдаги геосиёсий ўрнини белгилайди.

Жаҳонгир НАҲАНОВ
«ISHONCH»

БУЗИЛГАН СУКУНАТ

2016 йили – Ўзбекистон ўз тарихининг янги босқичига қадам қўйган бир пайтда минтақа элитаси ҳаёлида энди нима бўлади, деган савол муттасил айлانган пайтларни яхши эслайман. Ўша пайтлар кўпчилик мутахассислар ташқи сиёсат эҳтиёткор ва ёпиқ қолишини, кескин бурилишлар ёки янги дипломатик қадамлар қўйилмаслигини башорат қилган эди. Аммо Ўзбекистон нафақат минтақани, балки бутун дунёни ҳайратга солди. Шавкат Мирзиёев ҳокимиятга келгач, мамлакатимиз захира ўриндигидан туриб, асосий ўйинга қўшилди: ташқи сиёсат расмийлаштирилди мақомидан Ўзбекистоннинг чинакам геосиёсий тикланиш воситасига айланди.

Давлатимиз раҳбарининг 2017 йилда БМТ Бош Ассамблеясидаги нутқи Ўзбекистоннинг то бугунги кунга қадар самарали давом этаётган асосий ташқи сиёсат доктринасига асос солди:

«Ўзбекистон бугунги кунда ўзининг ташқи сиёсатида Марказий Осиё минтақасига устувор аҳамият қаратмоқда. Бу – ҳар томонлама чуқур ўйлаб танланган йўлдир.

Марказий Осиёнинг қоқ марказида жойлашган Ўзбекистон ушбу минтақа барқарорлиқ, изчил тараққиёт ва яхши қўшничилик ҳудудида айланишидан бевоғизта манфаатдордир.

Тинч-осойишта, иқтисодий жиҳатдан тараққий этган Марказий Осиё – биз интиладиган энг муҳим мақсад ва асосий вазифадир.

Ўзбекистон ўзаро мулоқот, амалий ҳамкорлик ва яхши қўшничиликни мустақамлашнинг қатъий тарафдоридир.

Биз Марказий Осиё мамлакатлари билан ҳеч истисносиз барча масалалар бўйича оқилона муроса асосида ҳамкорлик қилишга тайёرمىз».

Ўзбекистон Президентининг ушбу оташин сўзлари мамлакатимиз тарихидаги янги дипломатик даврни бошлаб берди.

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН – ЯНГИ ТАШҚИ СИЁСИЙ МАНТИҚ

Назаримда, кўпчилигимиз Янги Ўзбекистон атамасининг туб моҳиятини ҳали-ҳануз тўлиқ англаб етмагандекмиз. Ваҳоланки, биз бугунги нотинч замонда ўзимизнинг иқтисодий, илмий, ижтимоий-сиёсий салоҳиятимизни оширмай туриб, давлатимиз раҳбари таъкидлаётган Янги Ўзбекистонни кура олмаймиз. Яъни, «Янги Ўзбекистон» доктринаси дунё сиёсатидан узилиш, фақат ўз ички имкониятларимизга суянишни эмас, аксинча, халқаро ҳамкорлиқни, мамлакатимизнинг дунё ҳамжамиятида муносиб ўрин эгаллашини, иқтисодий, илмий салоҳиятини рўёбга чиқаришни, ишонч-ни халқаро капитал сифатида қўллашни тақозо этади. Сўнгги йилларда ушбу прагматик ёндашув қайсидир маънода ўз самараларини ҳам бера бошлади: ишонч халқаро муносабатлардаги янги валютага айланди, мамлакатимиз ушбу валютани топиш ва ундан қандай оқилона фойдаланиш йўларини ўрганди.

Мамлакатимиз сўнгги йилларда дунёнинг кўплаб етакчи давлатлари билан ўзаро манфатли сиёсий, иқтисодий ҳамкорлиқни янада кучайтиришга жиддий эътибор берапти. Зеро, Президентимизнинг Ўзбекистонни барқарор ривожлантириш, аҳоли турмуш фаровонлигини ошириш каби эзгу мақсадларини амалга ошириш учун янги инвестициялар, янги иш ўринлари, қудратли sanoat, мин-

тақавий хавфсизлик масалалари ҳам сув ва ҳаво-дек зарур.

2017 йилдан буён мамлакатимиз ташқи савдоси деярли икки баробардан зиёдга ошди, дипломатик харитаси эса Венгриядан то Индонезиягача бўлган 10 дан зиёд янги элчихоналар билан бойиди.

ПРЕЗИДЕНТ – ГЕОСИЁСАТ СУБЪЕКТИ СИФАТИДА

Шавкат Мирзиёев Ўзбекистон ташқи сиёсатининг фақат оҳангини эмас, балки моҳиятини ҳам тубдан ўзгартирди. У дипломатияни фақат ташқи фаолият идораларига сингирмади, уни ўз сиёсий иродасининг ўзвий давомига айлантирди. Афғонистон билан боғлиқ музокараларда иштирок этишдан тортиб, Термиздаги саммитларгача бўлган кўплаб жараёнлар шаҳсан Президентимизнинг ташаббуси билан амалга оширилмоқда. Ўтган йили Қозғистон Президенти Қосим Жўмарт Тўқаевнинг давлатимиз раҳбарига йўллаган табриғида шундай сўзлар битилган:

«Сиз олиб бораётган бунёдкор сиёсат ва оқилона раҳбарлигиниз боис буғун Сиз халқинизнинг умумэътироф этилган етакчисига айлангансиз, халқаро ҳамжамиятда муносиб равишда юксак нуфуз ва обрў-эътиборга эга сиз.

Ишончм комплики, Сиз белгилаб берган стратегик йўналишга қатъий амал қилган ҳамда муҳим ташаббуслар ва ислохотларни самарали амалга оширган ҳолда, қардош ўзбек халқи Сиз қўзлаган юксак мақсадларга – тараққий этган Янги Ўзбекистонни барпо этиш мақсадида албатта эришади.

Мен ўртамиздаги ишончли муносабатларни ардоқлайман ва мамлакатларимиз ҳамда халқларимизнинг ўзаро дўстлик, яқин қўшничилик ва кўп қиррали ҳамкорлигини мустақамлашдаёи Сизнинг улкан шахсий ҳиссангизни юксак қадрлайман».

Агар диққат қилган бўлсангиз, мана, саккиз йилдирки, бундай самимий ва юксак эътирофларни Марказий Осиёнинг ҳар бир давлат раҳбари алоҳида ҳурмат билан тилга олади. Чунки давлатимиз раҳбари ўзининг прагматик ташқи сиёсат доктринаси билан минтақавий давлатларини, халқларини бирлаштира оладиган янги ғоя, янги нафас олиб кирди. Дарҳақиқат, Марказий Осиёдаги бугунги ўзаро ишонч ва ҳурматга таянган давлатлараро сиёсатда Шавкат Мирзиёев феноменининг алоҳида ўрни бор. Зеро, биз шундай бир даврга кирдикки, дунёда кечаётган таҳликали вазиятларда ўзаро ҳамжиҳатлик, босқичлик ва тинчликка асосланган сиёсатгина самара беради. Мамлакатимизнинг халқаро сиёсатда ўзаро ишончга асосланган ёндашуви Тошкентни Афғонистон каби мураккаб масалаларда ҳам тан олинган воситачига айлантиргани айни ҳақиқатдир.

МАРКАЗИЙ ОСИЁ: ПАРОКАНДАЛИКДАН ЯҚДИЛЛИК САРИ

Дарҳақиқат, қўшниларимиз билан илиқ муносабатларнинг тикланиши давлатимиз раҳбари бошчилигида амалга оширилган энг кўзга кўринган ютуқлардан биридир. Чегара, сув, логистика, савдо-сотик билан боғлиқ кўп йиллар давомида ҳал этилмаган муаммолар қайта кўриб чиқилди ва ҳал этилди. Шавкат Мирзиёев ўтмишдан мерос муаммоларни бартараф этиш билан бир қаторда, бутунлай янги минтақавий ҳамкорлик мо-



Абдулазиз Комилов
бугунги дунё ва ундаги Ўзбекистон
ҳақидаги мулоҳазалари билан
«Юзма-юз+» лойиҳасида!

Сизга ҳам тавсия этамиз!

«Ishonch»нинг
YouTube даги
саҳифасида
кўринг!





ЎЗБЕК АЁЛИ

Муҳаммад Бобур домланинг ҳикояси даврадаги кўпчилиكنи энтиктирди:

— Биласиз, юртимизда ишлаб чиқарилаётган энгил машиналар хорижнинг «мана мани»дан қолишмайди. Тулпордан кўркем, шамолдан тез, кўшқдан шинам. Машиналаримиз фаҳримиз бўлиб қолди.

Танишларимиздан бири ҳам ҳалолдан мўл топиб, «Малибу» олибди. Буюрсин, бу киши машинага, машина унга ярашади. Ўзи андак кексайган бўлса-да, кўнгил ёш. Шу одам денг, аёлини ёнига олиб, сафарга чиқибди. Йўллар қафтдек равон, мошин янги, кайфият аълолигидан, қолаверса, «Москвич»нинг газига оёғи ўрганганидан тезлики сал оширганини билмай қолибди. Бир вақт бундоқ экранга назар солса, 150!

Хуллас, завқи келиб, йўлни холи билиб кетаётса, иттифоқо, кўзи орқа ўриндиқда ўтирган аёлига тушибди. У қанотларини жийирган мусицадай, тутқинга маҳкам тармашиб, йиғлаб бораётган эмиш. Танишимиз таажжубланиб, машинани тўхтатиб сўрабди:

— Ҳой онаси, сенга нима бўлди. Тинчликми? Аёли чорсиси билан юз-кўзини артиб, шикаста товушда дебди:

— Ҳеч нарса бўлгани йўқ, дадажониси. Хаёлимга ёмон бир гумон келиб, шуни зарбига йиғлаб юбордим.

— Нима экан, у гумон?
— Мошинингиз шамолдан тез кетяпти. Кўзим ён-атрофни бир илғаб, бир илғамаетир. Бу тезликда, Худо асрасин бир фалокат бўлса-ю, мен ўлиб қолсам... Бу ёшингизда хизматингизни ким қилади? Келин ўз номи билан келин... Қизнинг уйи эса бошқа... Шунга йиғлаялман.

Танишим айтиди: «Бу гапни тинглаб ўзимни ўзим койидим. Агарда аёлим «Сиз ўлиб қолсангиз, кексайганимда мен нима қиламан?» деса, бу гапи мановисидан яшин бўлмасмиди? Топиб айтган гапига қаранг-а! Булар нима айтса, рост айтади, сўзида ёлғони йўқ. Оғайни, бу ўзбек аёлининг кўпини бошидан сув ўгириб ичсанг ҳам кам экан!».

Шундай азизлар, ўзбекнинг аёли бу — ўзбек аёли! Бу ҳақиқатга шаҳримизнинг марказий шиғоҳоналаридан бирда яна бир бор ишонч ҳосил қилдим.

Кўзимни очиб, аввал кўрганим хира шифт бўлди. Сал фурсат ўтиб, саҳни бироз ёришиб, одмигина, сарғич оқ тусли нотаниш манзара намёнлашди. Уртасига оқ шнурга бойланган хира лампочка осилган. Ҳайрон бўлдим: қаердаман? Бунақа шифтли уйимиз йўқ эди-ку!

Ёнимга ўгирилмоқчи эдим, эплай олмадим. Қўл-оёғим бемажол эди, шошиб кўз қирим билан алангладим: атрофимда умримда кўрмаган қандайдир аппаратлар, юрак тебранишини кўрсатувчи экран, соатга ўхшаб чиққиллаб турган яна нималардир... Хона дори ҳидидан димиққан.

Шу пайт акфа эшик энгилгина очилиб, оқ халатли икки киши кириб келди. Энди англадим:

шиғоҳонада эканман. Хаёлим тиниклашиб, хотирлай бошладим. Хаста юрагимни операция қилдиргани шиғоҳонага келганим ёдимга тушди. Демак, операциядан кейин ётқизиладиган маҳсус жойда эканман. Шифокорларнинг кўнгилни кўтарувчи сўзлари қувват бўлдими, бироз жонландим. Аммо ланж ва қарахт эдим. Буни нарқоз таъсири деб билиб, ҳаммаси учун шукур қилдим. Дақиқалар сайин дадиллашаётганимни ҳис эта бошладим. Бўйнимни бемалол қайириб, атрофга қарашга кучим етди. Мендан сал нарида яна бир бемор ётар эди, уйғоқми ё ухляптимми, билиб бўлмайдми. Кучимни тўплаб унга салом берсам, индамадми, ё нарқозда, ё уйқуда деган хаёлга бордим.

Эртаси куни анча тиниклашдим, аёлим, болаларимни кўриб кўнглим кўтарилди. Мени реанимациядан бошқа палатага кўчиришди. Қайта-қайта шукур қилдим, юрагим очилгани чин эди. Ёнимдаги ҳамхонам оғирроқ бўлган шекилли, икки кундан сўнг қаршимиздаги алоҳида палатага ўтказилди. Ҳол сўрагани кирдим, таниб суюндим.

Бир кун ўтиб, у ётган палата эшиги олдидаги ҳолат беихтиёр эътиборимни тортиди. Врачлар хонага қирмай ташқарида безовтароқ туришар, ёнларида оғир касалларга мўлжалланган ёлдиракли аравача ҳам бор эди. Ичкаридан келаётган гўнғир-гўнғир товушни танишларимдан кимникигадир ўхшатсам-да, яқинроқ бориб билишимга эшик ёнида турганлар изн беришмади. Даволловчи врачим жойимда хотиржам ётишим зарурлигини эслатди. Аммо «таниш товуш»ни пойлаб турдим. Алқисса, у таниш психолог уақхоним бўлиб, бу ердалигимни билар экан шекилли, ҳол сўрашга ўзи кириб келди.

Гап мавриди келиб, сўрадим:
— У киши ҳам танишларингиздан экан-да?
— Йўқ, кўёви қадрдоним.
— Ишқилиб, тинчликми? Врачлар...

Уақхоним озроқ тин олган бўлиб, ялтираб турган бошидаги саноклигина соч толаларини оҳиста-оҳиста силлаган ҳолда гап бошлади:

— Умрларингиз узоқ бўлсин, яқинда сиз каби у кишининг ҳам юрагини операция қилишган экан. Тақдирни қарангки, аёли бу кишини операцияга кузатиб, уйига сўлибгина кириб борибди ва ўша кеч омонатини топширибди. Айтишларича, эрини ўйлаб кўп сиқилган экан...

Оғир ётган беморга совуқ хабарни дабдурустандан етказиш яна бир мусибатга сабаб бўлиши мумкин деган гумонда кўёви эмраниб, шу вазифани мен бажаришимни илтимос қилди.

«Ха» ёки «йўқ» деёлмай, озроқ муҳлат сўрадим ва шогирдим бўлган бир руҳоний йиғитга маслаҳат солдим, чунки бундай вазиятга ҳали дуч келмаган эдим. Хуллас, у айтиб берган бир ривоятдан кўчирма билан ҳузурига кирдим. Ўзимни кўёвининг қадрдони сифатида танитиб, ҳол-аҳвол сўраган бўлдим. Сўхбатимиз дард ҳам, шифо ҳам Яратгандан экани, «бемор эмас, куни

битган» вафот этиши ҳусусида бўлди. Фикрли, шукрли инсон экан. Пайтини топиб дедим:

— Нозик бир хабарим ҳам бор, сизга шуни етказишдан олдин ўзим эшитган бир ривоятни айтиб берсам... Қадимда бир оқил ва доно инсон ўтган экан. Пешонасида ёлғиз фарзанди бор экан. Турмуш ташвишлари билан узокроқ муддат сафарга кетибди. Соппа-соғ юрган боласи бир кечада касалланиб, оламдан ўтибди. Қайтиб келганида бу хабарни етказишга яқинларидан ҳеч ким журъат этолмабди. Шунда аёли «Болани сўраб қоларлар» деган гумонда салом-алиқдан сўнг кўнглини тош қилиб, сўз бошлабди:

— Дадажониси, сизга аввал бир савол, ортидан бир хабар тайёрлаб турган эдим.
— Баҳай, айтинг.

— Агар бир кишидан қарзимиз бўлиб, у сиз йўқлигингизда омонатини сўраб келса ва шу нарса бизда бўлса, топширганимни маъқул билармингиз?

— Албатта, онажониси, қарз билан жонни бердиб қутуламиз.
— Тўрам, шундай бўлди, бир жонни бердик!.. Яъни ёлғиз фарзандимизни...

Гап шу ерга келганида беморни ҳаяжон босди, титраган бемажол кўллари билан устидаги ёпинчикни кўксидан суриб, косасидан чиқай деб турган кўзларини диққат билан менга тикди:

— Ким?
— Ўзингизни кўлга олинг, эркак кишисиз...
— Ким, айтсанг-чи?..
— Аллоҳнинг иродаси экан, аёлингиз...
— Аёлим?... Нега, унга нима бўлди? Соппа-соғ одам... Адашмадингизми? Кўёвининг ўзи қани?
Остонада турган кўёви шошмасдан, бош ирғади ва шикаста товушда:

— Сабр берсин, дадажон, бандалик, — деди.
Бемор ўзини йўқотмади, аммо тошдек қотиб қолди. Сўнг чуқур хўрсинди-да, йиғлаб роз айта бошлади:

— Рози бўл, онажониси, дардимни сенга юклабман. Операцияга қирагимда айтган сўзларим нодонлик бўлибди. Розилигини сўраб, сўз очганимда, гапиргани кўймай «Дадаси, бемор эмас, ажал итган ўлади. Совуқ нафас қилманг, сиздан олдин кетсам-чи», деганингни далда деб билибман. Мендан хавфсираб, ўрнимга... Ўзоқ, мен нотавон лоақал тобутингни кўтаришга ярамабман-а! Сендан розиман, сен ҳам мендан рози бўл, онажониси...

Сўнгра у товуш чиқармай, узок йиғлади. Ўзини йўқотмай, дардли йиғлади. Икки кўзидан сизиб чиққан ёшлар бўйнига оқиб, селоб бўлиб йиғлади. Мен дош беролмай, билакларини бир сиқдим-да, ташқари чиқдим. Шифокорларга ҳам эҳтиёж бўлмади. Соф муҳаббатли экан, кўз ёшларида қизиллик бордай эди...

Суюндик Мустафо НУРОТОЙИ,
Ўзбекистон Ёзувчилар уюммаси аъзоси

Ўтиб ғору панода дийдаи элдан ниҳондурман,
Жунун туғёнида тийри маломатга нишондурман,
Бу ҳолат бирла гар афсонаи аҳли замондурман,
Кезарман ишқ шаҳристониди бир қарвондурман,
Матои ҳуси олурга жон бериб ҳарсу равондурман.

Парвон шеър

МУТОЛАА

Ошиқлар ухлайди саҳарга томон,
Фузулий девонин бошига қўйиб.

Эркин ВОҲИДОВ

МУК ТУШИБ ЎҚУЛҒОН ФУЗУЛИЙ



«Ўткан кунлар» ўзбек тилидаги илк роман.

Бу асар адиб номини абадиятга муҳрлади», деб ёзади
Адиб Холид «Ўзбекистон таваллуди» асарида.

Бу адабиёт оламидаги янги сўз эмас, аммо ташқаридан ташланган адолатли нигоҳдир. Асар мавқеини бу қадар кўтарган, тилларда дoston қилгани эса унинг «дарди». Бу хоҳ хотин дарди, хоҳ муҳаббат дарди, хоҳ адолат дарди, хоҳ зулм дарди, хоҳ давлат дарди, хоҳ халқ дарди бўлсин, салмоқли жиҳатдир. Шундай дардларнинг бири асарнинг «Унутмайсизми?» деб аталган бобида очилади. Иккинчи уйланиш арафасида Марғилонга розилик олиш дарди билан кетаётган Отабек портрети шундай чизилади:

«Отнинг бошини ўз ихтиёрига қўйган, илгаридек юрак ошиқлари ичида отни тез юриш-ла қистамай, сувга тушкан нондек бўкиб, бўшашиб, юз хил совуқ, ярамас хаёллар қўлида эзлиб, ўзининг дунёда борми-йўқлигига ҳам тушунмай кета берадир».

Отабек бу ерда бутун персонаж эмас, бутуннинг бир бўлаги. У гўё табиатга сингиб, табиат билан бир бутунликини ҳосил қилган. У юқорида айтилгани каби кетар экан, атрофида ҳар қўйга туслаётган табиат уни — ўзининг бир бўлаги бўлган Отабекни тўла ҳис этади.

«Хов ана бир қалдирғоч, тўғрига қараб ўқдек отилиб борадир, учкан йўлида вихир-вихир сайраб қўядир. Қалдирғочнинг қайғуси йўқ, сўйганининг олдиға тезроқ етиш учун шошадирғандир: сайроғи ҳам сўйганининг кўриш шодлиғи учундир... Бахтли қалдирғоч: олган соғваси ҳам кўрқинч эмасдир, ота-онасининг ҳам орзу-хаваслари йўқдур. Уларнинг турмуш қонунлари жуда енгил, иқов-иқов, сўйган-сўйганини оладирларда — тоғларда, ерларда, кўкларда учиб юрайберадилар».

Воқеалар орасига Фузулий моҳирона киритиб юборилади. Қизиги, бу асарнинг аини ҳолатига салбий таъсир этмай, гўё «ғамга шерик, далда» бўлади:

«Фузулий девони»ни вақрлар эди. Аммо Фузулийнинг ранг-баранг шеърлари устида тўхтамас, ҳамон варақлаган-дур вақрлар эди».

Адиб жараёнга киришга шовилмайди:

«... Шунингдек, ул ҳам жиддий бир равишда Фузулий мутлоасига берилди».

Лирик қаҳрамон хавотир аралаш яна Фузулийга ёпишади, Фузулийни яхшилаб ўқиш керак, сўнг бу жараён энг юқори пардага кўтарилади.

«... китоб устиға муккадан

кешиб ўлтурғучи...».

Отабек Фузулий мутлоасига шу қадар қиришадики, ҳатто китоб устида мук тушади. Баъзи ўринларда «мук тушмоқ» ибораси унинг «дарди». Бу ерда мук тушиш — букилиб ўтириш, яъни дол ҳарфини эслатади. «Дол» букик шаклда бўлиб, мумтоз адабиётда маъшуқа ишқида ўртанган ошиқлар «қадди дол» дея тасвирланади. Қаҳрамонимиз Отабек ҳам қадди дол бўлиб, Фузулийни ўқимоққа тутнади.

Асарда яна мутлоа ҳақида сўз бораркан қуйидаги жумла йўлдош келтириб ўтилади:

«Киши истиробка тушкан кезларда талаб эмас, ихтиёрсиз баъзи бир йўсинсиз ишларға уринадир».

Юқорида инсоннинг руҳий ҳолати акс этган: тушкун ҳолатдаги киши ақлан иш қилмай кўяди одатда.

Нега айнан Фузулий ақлдан ташқари қилинадиган жараён даражасида муаллим ва олий мавқега чиқиб қолди? Бу бевосита Қодирий ва ўша давр ижодий онги ва қарашлари билан боғлиқ.

Ўтган асрнинг 19-20 йилларида яшаган Вадуд Маҳмуд шундай деб ёзади: «Фузулий турк шеърда, форсийда Ҳофиз қадар лирик — рубоийдир, Туркда Фузулий каби дардли ва ўтли бир шоир йўқдир».

Яна Баҳодир Карим ёзади: «Дарҳақиқат, 20-йиллар адабий муҳтида жаҳид зиёлилари Фузулийни завқ-шавқ билан мутлолаа қилишган» («Уч буюк тил юзлашган майдон»). «...Аслида Абдулла Қодирийнинг ўзи Фузулий ижодини севиб ўқигани аини ҳақиқатдир» (Ўша мақола).

Энди мутлоага Кумуш ҳам қўшилади. «Фузулий яхши китоб. Мен ҳам ёлғиз қолган кезларимда бу китобдан бошимни ололмас эдим, сизамми?».

«Ўткан кунлар»да Фузулий икки ёшни бирлаштирган кўприк бўлади. Улар дардлирини шу асарни ўқиб енгган, шу асарни ўқиб қалблари қором олган.

Булар ҳам Қодирийнинг ёзувчилик маҳорати юксаклигидан, одамлар дарду ташвишини чуқур англаганидан далолатдир.

Элнора ВОҲИД,

Тошкент давлат

ўзбек тили ва адабиёти

университети

талабаси

MUASSIS:



ISSN 2010-5009
2007-yil 11-yanvarda
O'zbekiston Matbuot
va axborot agentligida
116-raqam bilan
ro'yxatga olingan.

«Ishonch» va «Ishonch-Доверие»
gazetalari tahrir hay'ati:

Qudratilla RAFIQOV
(tahrir hay'ati raisi),

Ulug'bek JALMENOVI, Anvar ABDUMUXTOROV,
Sayfulla AHMEDOV, Akmal SAIDOV, Ravshan BEDILOV,
Qutlimurot SOBIROV, Suhrob RAFIQOV, Shogosim SHOISLOMOV,
Hamidulla PRIMQULOV, Nodira G'OYIBNAZAROVA,
Anvar QULMURODOV (Bosh muharrirning birinchi o'rinbosari),
Mehridin SHUKUROV (Mas'ul kotib — «Ishonch»),
Valentina MARSENYAK (Mas'ul kotib — «Ishonch-Доверие»)

Bosh muharrir
Husan ERMATOV

«Ishonch»dan olingan ma'lumotlarda manba sifatida gazeta nomi ko'rsatilishi shart.
Mualliflar fikri tahririyat nuqtai nazaridan farqlanishi mumkin.

Bo'limlar:

Kasaba uyushmalari hayoti — (71) 256-64-69
Huquq va xalqaro hayot — (71) 256-82-89
Milliy-ma'naviy qadriyatlar va sport — (71) 256-82-79
Xatlar va muxbirlar bilan ishlash — (71) 256-85-43
Marketing va obuna — (71) 256-87-73

Hududlardagi muxbirlar:

Qoraqalpog'iston Respublikasi — (+998-99) 889-98-20
Andijon viloyati — (+998-99) 889-90-23
Buxoro viloyati — (+998-99) 889-90-31
Navoiy viloyati — (+998-90) 500-05-12
Jizzax viloyati — (+998-99) 889-90-34
Namangan viloyati — (+998-99) 213-09-66
Samargand viloyati — (+998-99) 389-90-26
Sirdaryo viloyati — (+998-99) 889-98-55
Surxondaryo viloyati — (+998-90) 379-19-70
Toshkent viloyati — (+998-99) 600-40-44
Farg'ona viloyati — (+998-99) 889-90-24
Xorazm viloyati — (+998-99) 889-98-01
Qashqadaryo viloyati — (+998-97) 705-08-93

Navbatchi muharrir:
Alijon Abdurahmonov

Musahhihlar:
Dilorom Xudoyberganova,
Umida Xudoyberganova

Sahifalovchi:
Hasan Abdullajilov

Bosilishga to'g'ri keladigan vaqt — 00:20
Toshkent — 00:40

Bahosi kelishilgan narxda
Gazeta haftaning
seshanba,
payshanba va shanba
kunlari chiqadi.
Gazeta «Ishonch»ning
kompyuter markazida
teriladi va sahifalandi.

Manzillimiz:

100165, Toshkent shahri,
Buxoro ko'chasi, 24-uy.
E-mail: ishonch
1991@yandex.uz

Nashr ko'rsatkichi: 133

Gazetaning
poligrafik jihatdan
sifatli chop
etilishiga
bosmaxona mas'ul.
Gazetaning yetkazib
berilishi uchun obunani
rasmiylashtirgan
tashkilot javobgar.

Umumiy adadi 32 083 ta

Shundan: 6 086 nusxasi
«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik
kompaniyasi bosmaxonasi —
Toshkent shahri, Buyuk Turon ko'chasi, 41-uyda;

18 116 nusxasi

«Erudit» MCHJ bosmaxonasi —
Samarqand shahri, Spitamen ko'chasi, 270-uyda;

7 811 nusxasi
«Poligraf-Press» MCHJ bosmaxonasi —
Marg'ilon shahri, Turkiston ko'chasi,
236-«b» uya chop etildi.

Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi.
Hajmi 2 bosma taboq. Buyurtma G-711

1 2 3 4 5 6